

# ЎЗБЕК ИСТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

## ЎЗБЕК ИСТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

### СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида ислохотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозимлигини таъкидлаган эди.

Шу боис Адлия вазирлигига қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, амалиётда қўллашга қўмаклашиш ва назорат қилиш бўйича янги тизим жорий этиш вазифаси топширилган эди.

Президент ҳузурида 18 январь куни ўтказилган йиғилишда амалдаги ҳолат таҳлили ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, самарали ижро тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги 4 йилда 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинган. Лекин ҳудуд ва ташкилотларда уларнинг бажарилиши қониқарли эмас.

Коронавирус пандемияси, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қатор йўналишларда муаммолар борлигини кўрсатди. Олий таълим, транспорт, сув ҳўжалиги, давлат мулкни бошқариш соҳаларидаги ислохотлар қутилган натижани бермапти. Шу сабабли мазкур соҳалар раҳбарлари ишдан олинди. Яна бир қатор вазир ва вазир ўринбосарлари фаолияти қониқарсиз деб топилди, уларга интизомий жазо қўлланилди.

– Ижро тизимидаги энг катта муаммо – дунёқараш ўзгармаётгани, билимсизлик ва масъулиятсизлик, – деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда 4 босқичли самарали ижро тизimini ташкил этиш чоралари муҳокама қилинди. Булар ижронинг лойиҳа босқичида режалаштириш, ижронинг ташкил этиш ва қўмаклашиш, ижронинг баҳолаш, ижронинг назорат қилишдир.

Ҳужжатларни амалиётда қўллашга қўмаклашиш мақсадида адлия вазирининг ўринбосарлари марказий идораларга бириктирилади. Урта ва қуйи бўғин ходимларини ҳар бир соҳага оид қарор бўйича ўқитиш ташкил этилади. Адлия вазирлиги вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари бошлиқлари эса қарорларни тадбиркор ва фуқароларга тушунтиришга масъул бўлади.

Президентимиз қабул қилинаётган ҳужжатлар халқ манфаатига қаратилганини, шунинг учун уларнинг мазмунини аҳолига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳужжатларнинг нафақат ижроси, балки натижадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, 2020 йил 1 майда ерости суви захираси бор жойларда давлат ҳисобидан қудуқ қа-

зиб, уларни аҳолига имтиёзли шартларда бериш бўйича қарор қабул қилинган эди. Бу мақсадларга Инқирозга қарши жамғармадан ажратилган 300 миллиард сўм ҳисобига 95 минг гектар ер фойдаланишга киритилди, 70 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Мутасаддиларга жойларга чиқиб, қарорлар ижроси юзасидан манзилли ва тематик ўрганишлар ўтказиш бўйича топшириқ берилди. Бунда қонунчиликдаги камчиликлардан тортиб, инвестиция лойиҳалари аҳолига бarcha масалалар комплекс ўрганилади, муаммолар бўлса аниқла-ниб, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Қарорлар ижросини назорат қилишнинг энг унумли воситаси – жамоатчилик иштироки ва назорати. Шу боис, “жамоатчилик иштирокчилари”, “жамоатчилик мониторинги” тизимини жорий қилиш, бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларни фаол жалб этиш муҳимлиги таъкидлан-

ди. Жисмоний ва юридик шахсларга Президент ҳужжатлари ижроси юзасидан мурожаат қилиш имконини берадиган мобил илова ишга туширилиши белгиланди.

Адлия вазирлигига Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Ижтимоий фикр” маркази билан бирга аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш, қарорлар ижроси ва бунга халқнинг муносабатини ўрганиш вазифаси қўйилди. Бу мақсадлар учун алоҳида грантлар жорий қилинади.

Шунингдек, давлат идоралари томонидан қарорлар ижроси юзасидан матбуот анжуманлари ташкил қилиб борилади. Бажарилмаган ишларни танқидий муҳокама қилиш билан бирга, ижроси самарали бўлган қарорлар бўйича ижобий тажрибалар ҳам ёритилади.

Барча таҳлиллар, ахборотлар Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида танқидий кўриб чиқилиб, тегишли чоралар белгиланади.

Ў.А.

### Шу куннинг гаплари



Ташқи ишлар вазирлигининг собиқ биноси

**Олий Мажлис Сенати** учун мослаштириб таъмирланмоқда. Айни пайтда бу ерда лойиҳага кўра, 6 қаватли эски бино реконструкция қилиниб, кўшимча объектлар қурилмоқда.



Юнусобод туманида Нефрология ва буйрак трансплантация маркази қад ростламоқда. Яқин орада у ишга тушгач,

**100** дан ортқ тиббий хизматлар йўлга қўйилади.



Тошкентдаги аввалги “Фонон” ишлаб чиқариш корхонаси негизда янги заргарлик корхонаси ишга туширилди. Давлатимизнинг эътибори туфайли ушбу корхона лойиҳаси учун

**21** млн доллар ажратилгач, эндиликда 400 нафар кишига иш ўрни yaratилди ва 6 тоннагача заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.



Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Челак шаҳарчасида замонавий, барча қулайликларга эга

иккита **12** қаватли, иккита **14** қаватли ва битта **16** қаватли уй қурилиши режалаштирилди.

Шу мақсадда туман ҳокими соҳа мутахассислари билан биргаликда бинолар қуриладиган ҳудуднинг ҳолатини ўрганди. Чегаралар белгиланиб, таклифлар ўртага ташланди.



Бўхоро тумани “Зарманок” маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари учун қурилган 2 та 5 қаватли, жами **60** хонадондан иборат уй-жойлар фойдаланишга топширилди.



Навоий шаҳрида ҳам **30** хонадондан иборат бўлган кўп қаватли турар-жой биноси ўз эгаларига топширилди.

Жорий йилда ўттиз нафар ҳарбий хизматчи ҳамда Миллий гвардия ходимлари Навоий шаҳридаги 18-кичик даҳада ўз хонадонига эга бўлдилар.



## ҚОЗОҒИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧИНОЗ ТУМАНИДА БЎЛДИ

А. МУСАЕВ, ЎЗА мухбири.

**Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти ақими У. Шукеев бошчилигидаги делегация 18 январь куни Тошкент вилояти Чиноз тумани Эшонабод қишлоғида бўлиб, миллатлараро тотушлик ва бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ишлар билан танишди.**

Ўрта ва қуйи бўғин ходимларини ҳар бир соҳага оид қарор бўйича ўқитиш ташкил этилади. Адлия вазирлиги вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари бошлиқлари эса қарорларни тадбиркор ва фуқароларга тушунтиришга масъул бўлади.

Президентимиз қабул қилинаётган ҳужжатлар халқ манфаатига қаратилганини, шунинг учун уларнинг мазмунини аҳолига етказиш зарурлигини таъкидлади.

аҳоли истиқомат қилади. “Обод қишлоқ” дастури доирасида ушбу аҳоли пунктида кенг қўламли қурилиш-ободлаштириш ишлари амалга оширилди.

Делегация ташрифи муносабати билан ташкил этилган тадбирда қишлоқ аҳолиси ўз урф-одатлари ва миллий таомларини намойиш этди. Дўстлик байрамига айланган тадбирда замонавий маҳалла маркази билан танишув меҳмонларда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Марказда фуқаролар билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича “Обод ва хавфсиз маҳалла”, “Маҳалла раиси – ислохотчи” тамойиллари асосида янги тизим самарали жорий этилган. Меҳмонлар шароитлар билан танишиш экан, мамлакатимизда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларнинг натижаларига юқори баҳо берди.

Янгидан қурилган 200 ўринли Маданият саройида қишлоқ ёшларининг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъат, компьютер технологиялари бўйича били-

мини ошириш учун имкониятлар яратилган. Шунингдек, қишлоқда Китобхоналар боғи барпо этилган. Унинг марказидаги китоб монументи ёшларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолини китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор белгисидир. Бу ердаги юртимиз ва жаҳон меъморий обидаларининг ихчам макетлари кишида завқ-шавқ уйғотди.

Қозоғистон делегацияси Эшонабод қишлоғидаги “Qo'jakent Textile” тикув корхонаси фаолияти билан танишди.

Мазкур тикувчилик фабрикасида 500 нафар хотин-қиз пальто, костюм, махсус кийимлар тикади. Маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган махсулотлар экспортга чиқарила бошлангани меҳмонларга манзур бўлди.

Корхона ҳузурида хотин-қизларга тиқиб-бичиш сирларини ўргатувчи замонавий ўқув маркази ҳам иш бошлаган.

Делегация аъзолари корхона қуввати, экспорт имкониятлари билан қизиқди. Соҳа мутахассислари билан ҳамкорлик бўйича фикр алмашилди.

## Марғилонда 9 қаватли уйлар қад ростламоқда

Зайлобиддин ЙЎГИТАЛИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўтган 2020 йили Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Фарғона вилоятига ташрифи давомида ёшларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш юзасидан кўплаб фикрлар билдирилган эди.**

Ушбу масала вилоят ҳокимлиги ва мутасаддилар иштирокида ўрганиб чиқилгач, Марғилон шаҳри ҳудудидан ўтган Фарғона-Қўқон автомобиль йўли ёнида кўп қаватли уйлар қуриш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди. Уйларнинг таннархини камайтирган ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан фойдаланиш мақсад қилинди. Қисқа мuddатда мазкур топшириқнинг ижроси таъминланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

– Яқунланган йилда янги Марғилон шаҳрида 42 квартиралар 4 та намунавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди, – деди Марғилон иختисослаштирилган таъмир-қурилиш хусусий корхонаси катта иш юритувчиси Маҳмуджон Нишонев. – Ҳозирги кунда шаҳар ҳудудидаги “Янги ҳаёт” кўчасида лойиҳа қиймати 8 миллиард 300 миллион сўм бўлган 9 қаватли 34 квартиралар 2 та уй қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётган. Ҳар бир қаватда 2 ва 3 хонадондан иборат 5 та квартира бўлиши режалаштирилган. Бинонинг 1 қаватида нотурар жой – савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари жойлашади. Шуниси эътиборлики, лойиҳа айнан ёш оилаларга мослаштирилган, барча қулайликлари бор, “коробка” шаклида эмас.

Объектда ишлар 2020 йилнинг охирида бошланган. Режага кўра, қурилиш билан боғлиқ барча ишлар шу йилнинг июль-август ойларида фойдаланишга амалга оширилади. Айни кунларда бинода бетон ишлари якунланиб, ертўла қисми ёпилмоқда. Шуниси эътиборлики, объектдаги ишларни сифатли амалга ошириш учун тажрибали уста-пайвандчилар, қурувчилардан ташқари касб-хунар коллежларини тамомлаган 25 нафар ёшлар ишга олинган ва уларга бириктирилган устозлар эса касб сирларини пухта ўргатишяпти.



– Лойиҳага кўра, кейинги 5 йилда умумий ер майдони 47,7 гектарни ташкил қилган мазкур ҳудудда 42 та 9 қаватли 40 та 12 қаватли ва 30 та 16 қаватли уйлар ҳамда 32 та жамоат биналари қуриб битказилади ва 6 312 та ёш оила уй-жой билан таъминланади, – деди хусусий корхона раҳбари Аҳмадуллоҳ Қиличонов. – Шу билан бирга қатор турар жой, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари аҳоли ихтиёрига топширилади.

Жорий йилда ўттиз нафар ҳарбий хизматчи ҳамда Миллий гвардия ходимлари Навоий шаҳридаги 18-кичик даҳада ўз хонадонига эга бўлдилар.

# Мақсад йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш

Ўлмас БАРОТОВ,  
ЎЗА мухбири.

**Қашқадарё вилояти транспорт бошқармаси томонидан Қарши шаҳрида жамоат транспорти фаолиятини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишлар билан таништириш мақсадида бир гуруҳ ОАВ ходимлари ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди.**

Дастлаб иштирокчилар учун Қарши темир йўл вокзали бекатида кўргазма ташкил этилди. Сўнг Қарши шаҳридаги Ислам Каримов кўчасида қурилган ақлли бекат билан танишилди ва худди шу кўчада автобуслар ҳаракати учун ташкил этиладиган махсус йўлак бўйича тақдимот қилинди.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари ижроси доирасида ўтган йилда вилоятга тадбиркорлар томонидан жами 80 нафар янги автобус сотиб олиб келинди. Жумладан, Қарши туманида фаолият кўрсатаётган "Шарофиддин Нурилло" МЧЖ томонидан Хитой Халқ Республикасидан жами 30 нафар катта ҳажмли "GOLDEN DRAGON" русумли автобуслар келтирилди ва Қарши шаҳридаги 1- ва 7-шаҳар ичи автобус йўналишларида жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган "TRANS AVTO QARSHI" унитар корхонаси томонидан 50 нафар ISUZU русумли автобусларни харид қилиш учун кредит маблағлари ажратилиши бўйича иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида 2020 йилда Қарши шаҳрида 34 та, Қарши туманида 4 та, Қарши



маши туманида 4 тадан янги замонавий типдаги ақлли бекатлар тадбиркорлар томонидан қуриб ишга туширилди.

Пресс-тур доирасида иштирокчилар Косон туманида фаолият кўрсатаётган "Косон транс сервис" МЧЖ томонидан ташкил этилган янги автотранспорт комплекси фаолиятини таъминлаш бўйича таъминоти эга бўлишиди.

Шундан сўнг ОАВ ходимлари ва блогерлар учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Президентимизнинг 2020 йил 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарёга ташрифи давомида берган топшириқлари асосида вилоятда Транспорт вазирлиги ва Тошкент транспорт университетидан бириктирилган ишчи гуруҳ томонидан биринчи босқичда Қарши шаҳрида мавжуд 44 та такси йўналишлари қайтадан қўриб чиқилган. Ушбу йўналишлар ўрнини тўлиқ қоплайдиган 15 та автобус ҳаракатлари

аниқланиб, уларнинг схемалари чизиб тайёрланди.

Қарши шаҳар ички транспорт моделини яратиш, шаҳарда мавжуд тирбандликларни бартараф қилиш мақсадида, шаҳарга бошқа вилоятлардан ва туманлардан кириб келадиган 6 та йўналишларда ҳаракатланувчи йўловчи ташитиш транспорт воситалари келиб тўхташлари учун 5 та ҳудудда янги автостанция қуриш учун ер майдонлари танлаб олинди. Ҳозирги кунда ушбу ҳудудларда автостанцияларни қуриш учун салоҳиятли тадбиркорлар танланмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан вилоят бўйича янги транспорт моделини яратиш мақсадида вилоятдаги барча шаҳар ва туманларнинг жами 343 та йўловчи ташитиш йўналишлари қайта инвентаризациядан ўтказиб чиқилди ва қишлоқ билан туман марказини, туман маркази билан вилоят марказини боғловчи йўналишлар ташкил қилиш чоралари кўрилмоқда.



# Халққа хизмат қилувчи иншоотлар

Фозилжон ҚОСИМОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

**2020 йилги ислохотлар самараси, кўрилган чора-тадбирлар ҳар бир ҳудуд учун ўзига хос из қолдиргани шубҳасиз. Масалан, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида бир қатор янги биноларнинг тантанали очилиши ҳудуд аҳолисини мамнун этди. Жумладан, мутлақо янги кўриниш ва имкониятларга эга давлат солиқ инспекциясининг янги биноси соҳа ходимларига совға бўлди.**

Инспекциянинг янги биноси қурилгани ходимларнинг иш суръатини янада яхшилаб, фуқаролар учун ҳам қатор қулайликларни яратди. Бино туман марказида жойлашгани, бу жойга келган одамларнинг ишини янада осонлаштиради.

Албатта, ҳар бир соҳадаги ислохотлар аввало фуқаролар учун қулайлик яратиш, одамларнинг мушкуллини осон қилишда муҳим саналади. Солиқ идорасининг янги биноси барча зарур жиҳозлар билан таъминлангани ҳам халқимизга унумли ва сифатли хизмат кўрсатишига замин яратди.

Фойдаланишга топширилган бинадаги қулайликлар нафақат сифатли хизмат кўрсатишига, балки бюджет даромадларининг ўсиши ва солиқ тўловчиларнинг фойдалигини янада оширишга хизмат қилиши табиий, – дейди туман ДСИ бошлиғи Абдусаттор Исломов.

Шу куннинг ўзида замонавий давлат хизматлари маркази биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Бу билан ортиқча овозгарчиликлар

нинг олди олинди, одамлар розилигига эришилди. Энди Зафаробод тумани аҳолиси ҳам, шинам барча шаҳораларга эга бинада давлат хизматларидан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлишиди. Бинонинг очилиш маросимида таъкидланганидек, марказда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун барча қулайликлар мавжуд. Мазкур бинада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар муражатларини қўриб чиқиш қабулхонаси, туман ФХД бўлими, адлия, нотариус идоралари жойлашган. Шунингдек, кутубхона, болалар майдончаси, кутубхона, E-auction хонаси ҳам замонавий жиҳозланган.

Марказга кираверишда ташриф буюрувчиларни масъул ходимлар кутиб олиб, тегишли тартибда, электрон навбат асосида хизмат ойнасига йўналтиради. Шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш бериш учун ҳам мутахассислар ажратилган. Мониторларда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги янгиликлар, давлат хизматлари олиш тартиблари тўғрисидаги роликлар узлуқсиз намойиш этиб борилади, – дейди ДХА Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Алишер Неков.

Маълумот ўрнида айтиш керак, айна вақтда Зафаробод туманида 51 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туман иқтисодиёти мена-сабзаовот, чорвачилик, боғдорчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда, цемент, оҳақ-тош каби қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашув тобора такомиллашмоқда. Давлат хизматлари маркази орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2020 йилда 9 415 та хизмат кўрсатилган. Янги бинада аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланиб, кўрсатиладиган хизматлар тури икки баробарга ошиши кўзда тутилган.

**Жиззах вилоятининг Бахмал туманида 4 та янгидан қурилган кўприкларнинг очилиш тадбирлари ўтган йил сарҳисобидан ўрин олди.**

Йўлларни йўллар, элларни эллар билан боғловчи кўприкларни мустаҳкамлаш учун 12 миллиардга яқин маблағ ўзлаштирилган. Туман тоғли ҳудуд бўлгани учун ҳам ёғингарчилик мавсумида тез-тез сел тошқинлари бўлиб туради. Бундай табиий офатлардан одамларнинг жиддий зарар қўриши эҳтимоли юқори эди.

Президентимизнинг "2020 – 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Камар – Дўлана оромгоҳи" автомобиль йўлидаги сойдан ўтувчи 18 метрли, "Ўсмаат-Гулбулоқ-Қинғир" автомобиль йўлидаги иккита кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилгани халқнинг турмуш ободлигига хизмат қилади.

Туман марказини "Сангзор" ҚФЙ билан боғловчи узунлиги 18 метр, эни 15 метр бўлган, Ўсмаатсойдан ўтувчи янги кўприкни очиб тадбирда ҳам масъуллар ва фаоллар жам бўлишди. Бир неча йиллар давомида муаммо бўлиб келаётган ушбу кўприкнинг қурилиши учун давлат бюджетидан 5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган, фидойи қурувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан мана шундай мустаҳкам ва раван кўприк вужудга келди.

# Йил боши янги лойиҳалардан бошланди

Зухриддин АҲАДОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

**Бухоро вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Ботир Зарипов вилоятдаги мактабгача таълим, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдими билан танишди.**

Унда ижтимоий соҳалардаги қурилиш-бунёдкорлик ишларининг 2020 йилдаги натижалари муҳокама қилиниб, жорий йилда мазкур соҳалар самардорлигини янада оширишнинг асосий концептуал йўналишлари тўғрисида ахборот берилди.

Вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳаёт Давлатовнинг таъкидлашича, 2021 йил якунида мактабгача таълим тизимида болалар

қамровини 68 фоизга етказиш режалаштирилган. Бунда 2020 йилги Инвестиция дастури асосида реконструкция қилинган 30 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари асосида 12 та МТТларнинг қурилиш ишларини якунлаш ва мукамал таъмирлаш орқали янги қувватларни яратиш, вилоятдаги педагогика коллежлари негизда, шунингдек, давлат-хусусий шерикчилик асосида ҳамда оилавий МТТлар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, халқ таълими тизимида қуввати 5 026 ўринли муассасаларни янгидан қуриш, 11 362 ўринли ўқув блокларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг учун дастлабки талаб этиладиган маблағ 127 млрд 636 млн сўмдан иборат. Бошқарма бошлиғи мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилишга муҳтож муассасалар ҳақида шаҳар ва туманлар кесимида ҳам ахборот берди.

## Худудлардан хабарлар

### ҚОРАҚАШОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 2 октябрида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида минтақадаги 45 та шaroити оғир маҳалалар ва овулларда аҳолининг турмуш шарoитини яхшилаш, худудларни ободонлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш вазифини топширганди.

Яқинда ҳудудий лойиҳа ташкилоти томонидан ана шу маҳалла ва овулларнинг бош режаси ишлаб чиқилди ҳамда белгиланган тартибда мутасадди вазирик, идора ва ҳoқимликлар билан келишилди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши томонидан тасдиқланди.

«Белтау» овул фуқаролар йиғини Тахтақўприк тумани марказидан 35 километр узоқда жойлашган бўлиб, 200 дан ортиқ оила истиқомат қилади. Илгари бу ерда 400 минг метр куб сифимдаги сой мавжуд бўлиб, айна пайтда сой қуриб қолган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаеси Раиси Мурат Камалов ушбу ҳудудда бўлиб, оқсоқоллар ва фахрийлар билан учрашди. Уларнинг яшаш шарoити, ёшларни иш билан банд қилиш йўналишда амалга оширишга бўлган имкониятлар билан маслаҳатлашди. Шу куннинг ўзида халқнинг обод турмушини таъминлаш, ёшларни барқарор иш билан банд этиш мақсадида сув ҳовузи қуриш учун ишлар бошланди.

Лойиҳа координатори Нурали Абдулаевнинг айтишича, ишлар тугатилгандан сўнг 2 минг гектардан ортиқ ер майдонлари ўзлаштирилади ва ёшларга бўлиб берилади. Бунинг натижасида 100 фoиз овул аҳолиси иш билан таъминланади, қўлда балиқчилик соҳаси ҳам ривожланади, 50 дан ортиқ ёш ишли бўлади.

### АНДИЖОН

Ўтган йили куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қуриш бўйича республикамизда катта саъй-ҳаракатлар қилинди.

Ташкилот ва муассасалар, кўп қаватли уйлар, аҳоли яшаш жойларидаги мавсум билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди. Шунга қарамай, она табиатнинг "уйинлари" кўплигини, айниқса, қишнинг

қирчиллама кунларида қўрқимиз. Ҳали бир ҳудудда газ босими камайса, бошқасида электр энергияси, яна бирда ичимлик суви тақчил бўлиб қолгани тўғрисида худудлардан хабарлар бўлиб турибди.

Ўтган ҳафта бошида Андижон вилоятида худди шундай ҳолат, яъни ичимлик суви бўйича қайд этилди. Оби ҳаёт ўтадиган катта трасса ёрилиши туфайли бир

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

"Қишлоқ қурилиш банки"нинг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали жамоси учун бунёд этилган замонавий иншоот фойдаланишга топширилди.

Янги бинада ходимларнинг мижозларга муносиб хизматлар кўрсатиши учун ҳар томонлама қулайликлар яратилган.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янада кучайтириш имконини берди.

Ватан ҳимоячилари кунли муносабати билан "Ким Ватанга содиқ бўлса, мандирман ўша" шиори остида ички ишлар органлари ходимлари бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш Олмалик шаҳар марказида спорт-

нинг теннис, футбол, югуриш ҳамда тўсинга тортилиш турлари бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Унда Олмалик шаҳрида фаолият кўрсатаётган кўлаб тадбиркорлар ҳамда қурилиш ташкилотлари, мактаб ўқувчилари ва ён-атрофдаги маҳалалардан тақлиф қилинган кишилар ўзаро куч синатишди. Бахслар қизиқарли тус олиш баробарида, кимнинг ким эканини ҳам саралаб берди. Марказининг Ёшлар иттифоқи етакчиси Ҳусанов Муслимов томонидан ташкил қилинган тадбир якунида 1, 2 ва 3-ўринга муносиб кўрилганлар қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатида «2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида тўб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмайди», дея таъкидланди.**

# Ижтимоий ҳимоя кучайтирилади

Дилафрўз ЎРОЗОВА,  
Навоий вилояти Қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари, «Авалло, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – «Темир дафтар» тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди».


Биргина Навоий вилоятида қасаба уюшма ташкилотлари томонидан ёшлар ҳаётига жиддий эътибор қаратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар салмоқли бўлди. Ўтган йилда жамоа шартномаси ва келишувлар орқали 313 нафар икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ корхоналарда 2 198 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Шунингдек, кам таъминланган 4 114 нафар ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 50 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларга ўқув шартнома пуллари қисман тўлово корхона ҳисобидан тўлаб берилди, 40 нафар ёш оилаларга корхоналар ҳисобидан уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун фоизсиз сўда ажратилди.

«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да инсонпарварлик шиори янада бардавом бўлишини Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларидан ҳам билишимиз мумкин: «...Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади. Ҳозирги кунда республикамизда алоҳида эътибор муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаш учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш – нафақат вазидамиз, аввало, инсоний бурчимиздир», деган давлаткорона мурожаати ҳар бир юртодошимизни бефарқ қолдирмаслиги тайин.

Қолаверса, Президентимиз «2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади», дея таъкидлади. Ёшларга алоҳида эътибор қаратилишида, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ўқиши, ишлаши ва ўз ҳуқуқлари, имтиёзлардан эркин фойдаланиши, фаровон ҳаёт кечирishi учун барча имкониятлар сафарбар этилишига шубҳа йўқ.

## ОҚОВА СУВ ва бу борадаги муаммолар

Гулноза БЕКМАМАТОВА,  
ТАҚИ Мухандислик инфраструктура  
факультети инженерлик  
коммуникацияларини лойиҳалаш-қуриш  
кафедраси катта ўқитувчиси,  
Азизбек МУСТАПОВ,  
Аъзамхўжа БҮРИХЎЖАЕВ,  
Қурилишни бошқариш факультети  
магистрантлари.



**Ҳозирги пайтда сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олишга катта аҳамият берилмоқда. Маиший хўжалик ва саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувлар муйайн иншоотларда тозаланиб, сўнг яна сув ҳавзаларига оқизилади. Шу билан бирга сув ҳавзаларини маълум даражада ифлослантиради. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан бу жойларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг жадал ривожланиши сув ҳавзаларидаги оқова сувлар ифлосланишининг бирдан-бир омиллидир. Оқова сувларни кўп миқдорда сув ҳавзаларига тушириш билан бирга уларнинг тозаланиши сақлаб қолиш халқ хўжалигидаги муҳим вазифалар қаторига кирилади. Шунинг учун ҳам оқова сувларни тозалаш усулини тўғри танлаш билан мазкур жойларга тушириладиган сувларнинг санитария нормаларига тўла мувофиқ қилишни таъминлаш мумкин.

Оқова сувлар таркибида ҳар хил ифлос моддалар бўлиб, органик ифлос бактериялар ривож-

ланиши учун қулай шароит яратади. Шу боис оқова сувларни тозалашда унинг таркибидagi ифлос моддаларни, айниқса, органик моддаларни ажратиб олиш ва зарарсизлантириш муҳим омиллардан биридир.

Бу жараёнда механик, кимёвий ва биологик усулларда тозаланади. Механик усулда сув таркибидagi эриммаган ифлосликлар филтрдан ўтказилади.

Кимёвий тозалаш усулида эса оқова сувга кимёвий реагентлар қўшилиши натижасида таркибидagi эриммаган коллоидли ва эриган модда заррачаларининг чуқишига имкон яратилади.

Биологик тозалаш усули ҳам оқова сув таркибидagi микроэлементларнинг яшаш шароитига асосланган бўлиб, бу жонзотлар сувдаги органик моддаларни оксидлаш ва қайта тиклаш учун хизмат қилади.

Иншоотларда тўтилган чиқиндилар тегишли жойларда ачирилиб, сўнг қуритилади ва зарарсизлантирилади. Бугунги кунда бутун дунёда чучук сув танқислиги сезиларли даражада юз бермоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, ер

юзидagi умумий сув ҳажмининг атига 3 фоизини чучук сув ташкил этиши бўлса, яна бир сабаби, сувнинг тенг тақсимланмаганлигидир. Бу номуносиблик ўрта Осиё мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Статистик маълумотларга кўра, минтақамизнинг улushi куйидагича:

№	Республикалар миқёсида	Улуши, фоизда
1.	Ўзбекистон	6
2.	Туркменистон	1
3.	Тожикистон	27
4.	Қирғизистонда	27
5.	Қозоғистон	39

Кўришиб турибдики, юртимизнинг сув захира-си етарли даражада кўп эмас. Бу эса ривожланаётган Ўзбекистонга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Сув танқислигининг яна бир асосий омилларидан бири ер юзидa иқлимнинг кескин ўзгаришидир.

Шундай экан юртимиздаги чучук сув захи-

раларидан оқилана фойдаланишимиз керак. Шу билан бирга, бу жиҳатдан аҳолининг маданиятини ҳам оширишимиз лозим. Юзага келатган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш эса юртимиз олимларидан катта масъулият талаб этади. Ечимнинг асосий йўлларида бири, оқова сувлардан ҳам унумли фойдаланишидир. Масалан, аҳолидан чиқадиган оқова сувларни тозалаш, техник экинларни суғоришга жорий этадиган бўлса, маълум бир жойдаги сувга бўлган эҳтиёжни ҳал қилган бўлсамиз ва бюджет ташкилотларига электр энергиясидан иқтисод қилиш имконияти ҳам яралади. Чунки кўплаб ҳудудларда экинларни суғориш учун насослардан фойдаланилади.

Агар оқова сувларни техник экинларни суғоришга жорий этсак, иқтисодий самарадорлик мана бундай бўлади. Масалан, буни Наманган шаҳридаги оқова сувларни тозалаш иншооти миқёсида кўриб чиқсак:

### Наманган туманида жойлашган “Неъматгон сув тозалаш” иншооти

Ҳозирда бир кеча-кундузда тозаланиб чиқилаётган сув миқдори, м³ суткада	Бир соатлик сув сарфи, м³	Бир минутлик сув сарфи, м³	Бир секундлик сув сарфи, м³
135 минг м³	5625	93.75	1,56

Кўришиб турибдики, бир суткада биргина оқова сув тозалаш иншоотидан 135 минг м³ сув фойдаланилмасдан ҳавзаларга оқиб кетмоқда. Агар шу сувни иккинчи бор техник экинларни суғоришда фойдаланиб, сўнг дарёга ташлади деган бўлсак, ҳар томонлама иқтисод қилган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, дунёда 1,5 миллиард инсон ичимлик сув танқислигидан азият чекмоқда. Бу танқислик ҳозирча бизда кузатилмади. Бироқ, шундай бўлса ҳам ичимлик сувини тежашимиз ва асрашимиз зарур.

## “Ақманғит”лик Болажонларга туҳфа

Марат УЛПЕТОВ,  
“O'zbekiston bunyodkori”  
муҳбири.

### Нукус тумани “Ақманғит” ПФЙ ҳудудда 6-сонли мактабга таълим ташкилотининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими О. Уснатдинов, Қорақалпоғистон Республикаси мактаб-гача таълим вазири бўлим бошлиғи Б. Камалов ва шу ҳудудда яшовчи фахрийлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар кичикинтойларга ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шароитларга алоҳида тўхталишди. Шундан сўнг боғчадаги қулайликлар ва шароитлар билан танишишди.

Мазкур таълим ташкилоти қурилишига 3 млрд 87 млн сўм сарфланиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари “ToshujoyLITI” Қорақалпоғистон филиали томонидан ишлаб чиқилди ва “MAX ELIT STROY” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан қуриб битказилди.

## ТАКРОРИЙ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

### Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҚП-4268-сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, “Туялас” МФЙ, Машиқ кўчаси 40-ўй манзилда жойлашган “Жалақудуқ Агросервис МТП” масъулия-ти чекланган жамиятининг устав жамғармасидаги 100 фоиз улушини сотиш бўйича “Andijon mulk markazi” МЧЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ танлов савдосига “Жалақудуқ Агросервис МТП” МЧЖнинг устав жамғармасидаги 100 фоиз улуши 2021 йил 12 январдаги 3/06-сонли бюртманомасига асосан бошланғич қиймати – 2 097 509 662,0 (икки миллиард тўқсон етти миллион беш юз тўққиз миң олти юз олти миш икки) сўмда қўйилмоқда.

Танлов савдосининг асосий шартлари:

1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) ишти-роқ этишлари мумкин.

2. Танлов савдоларида иштирок этувчи талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини танловда эълон қилинган ҳи-соб рақамига туширишлари керак.

3. Танловда қатнашиш учун талабгорлар ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчиси очик танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шах-сан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қил-ган ҳолда бюртманомани икки нусxada тақдим этади:

– юридик шахслар – қонун ҳужжатларида белгилан-ган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, шахсини тас-диқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспортнинг нусхаси, тан-ловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳуж-жатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нус-хасини илова қилган ҳолда.

4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес-режасида қуйида-гиларни ёритиши зарур:

– машина-трактор паркиннинг асосий фаолияти (меха-низация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

– мавжуд ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва кенгай-тириш;

– машина-трактор паркиннинг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ

(станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, жами киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;

– жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция киритиш бўйича таклифлар, натижада барпо қилинади-ган қўшимча иш ўринлари;

– улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлма-ган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

– сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;

– машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сунди-риш бўйича таклифлар;

– иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг са-марадорлиги.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг барча varaқларни талабгорларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2021 йил 22 февраль кун, соат 11.00 дан бошлаб Жалақудуқ тумани ҳокимли-гининг мажлислар залида бошланади.

Таклифларни очиш вақтида танловда иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ўрнатилган тартибда иштирок этишлари мумкин. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 19 февраль кун, соат 18.00 да тўхтати-лади (таклифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2021 йилнинг 2, 10, 17, 24, 31 март кунлари, соат 11.00 дан бошлаб тақдоран бўлиб ўтказилади. Такрорий савдоларга тан-лов таклифларини қабул қилиш танлов ўтказилишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.)

Танлов савдолари натижалари бўйича фолиблик ба-ённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 банк иш ку-нидан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар улуш бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини олдиндан (ари-за бюртманомана топширилгунга қадар) савдо ташки-лотчиси “Andijon mulk markazi” МЧЖнинг қуйидаги банк ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 3049 4115 6002 АТ “Савдогарбанк” МФО 00081 СТИР 302 126 734.

Танлов савдолари ва танлов ҳужжатларини тўлди-риш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 71-уй.

Маълумотлар учун телефон: 74-223-08-52.

Электрон почта: andkms@inbox.uz.

00156 рақамли гувоҳнома.

## “Regionalaro mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

“Uz-Prista” МЧЖ ҚКнинг 2021 йил 12 январдаги 01-003-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 93-“а” уй манзилида сақланаёт-ган 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 460 ZAA бўлган, “Каптив” русумли автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси – 93 368 931 сўмда тақдоран қўйил-моқда.

Аукцион савдолари 2021 йил 26 январь кун, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2021 йил 22 январь кун, соат 16.00 гача.

Автотранспорт воситаси 2021 йил 26 январь кун, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

9 февраль кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар савдо бўлишидан бир иш кун аввал соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо фолиблиги 10 кун ичида сотувчи билан ол-ди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини қуйидаги ҳи-соб рақамига тўлашлари лозим: 2260 4000 5052 6588 2001 ХАТБ “DAVR-BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 307 638 956.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов кўчаси, 5-уй. Телефон: 95-199-12-21.

880847 рақамли гувоҳнома.

«Kafolat Sug'urta Kompaniyasi» AJ Тошкент шаҳар филиали Олмазор тумани бўлими KF 3341216-сонли янги ҳолат-даги сурғурта полиси йўқолган сабабли қидириляпти.  
Тел.: 71-227-37-40, 93-181-70-06.

## «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ

### бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

2021 йил 4 февраль кун, соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдосига АТ “Xalq bank” Тошкент шаҳар Олмазор филиалининг 2021 йил 15 январдаги 11-сонли бюртманомасига асосан банк тасарруфида бўлган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамш 2/3-мавзе, 11-уй манзилида жойлашган умумий майдони – 124 квадрат метр бўлган АТ “Xalq bank” Олмазор филиалига қаршли 339-сонли коммуна касса биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 301 000 000 сўм.

Юқоридagi кўчмас мулк 2021 йил 4 февраль кун, соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий савдолар 2021 йил 19 февраль, 9, 24 март ва 8, 23 апрель кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Юқоридagi кўчмас мулк билан бюртмачи ташкилот вакиллари иштирокда бевосита манзилга чиқиб тани-шиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич

нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда за-катат пулини «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖнинг АТ «Xalqbank» Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Х/р: 20208000100757166001 МФО 01132 СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион сав-доси санасидан бир иш кун олдин, соат 16:00 да тўхтати-лади. Савдо фолиблиги аукцион савдоси натижалари бў-йича фолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: 71-205-85-53.

Веб-сайт: www.capitaltrust.uz

Хизматлар лицензияланган.  
RR-0298-сонли лицензия.

## “СЕМУРҒ” ИФ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Семурғ” инвестиция фонди акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий ййгилиши 2021 йил 12 февраль кун, соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, Муस्ताқиллик шоҳқўчаси, 2-уйда бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш вақти соат 9.00 дан 10.00 гача.

#### Кун тартибдаги масалалар:

- 2019 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами «Се-мурғ» ИФ ишончли бошқарувчисининг ҳисоботи.
- 2019 йил якуни бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи.
- 2019 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳис-оботи.
- 2019 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб varaғини тасдиқлаш.
- 2019 йилги молиявий фаолият якунига кўра соф фойдани тасдиқлаш.

6. 2019 йил якуни бўйича аудитор хулосаси, 2020 йил учун жамият аудитори ва унга тўланадиган ҳақ миқдори-ни тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2020 йилги бизнес-режасини тас-диқлаш.

8. “Семурғ” ИФ кузатув кенгашини сайлаш.

9. “Семурғ” ИФ тафтиш комиссиясини сайлаш.

Умумий ййгилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2021 йил 20 ян-варь ҳолатига тузилади.

Умумий ййгилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 8 февраль ҳолатига ту-зилади.

Ййгилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳуж-жат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгилан-ган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Кузатув кенгаши.

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига “Bekobod ATS” МЧЖнинг 2021 йил 15 январдаги 7-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бекабод шаҳри, Метмов кўчаси, 266-ўй манзилида сақланаётган қуйидаги автобуслар тақро-ран қўйилмоқда:

1. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 867 ВАА бўлган, техник соз “Исузу SAZ NP 37 Мидибус” русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 63 938 579 сўм.

2. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 859 ВАА бўлган, техник соз “Исузу SAZ NP 37 Мидибус” русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 60 972 262 сўм.

3. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 856 ВАА бўлган, техник соз “Исузу SAZ NP 37 Мидибус” русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 65 101 981 сўм.

4. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 390 ВАА бўлган, техник соз “Исузу SAZ NP 37 Мидибус” русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 61 733 800 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 3 февраль кун, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2021 йил 1 февраль кун, соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридagi автобуслар 2021 йил 3 февраль кунда сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 16, 25 февраль ҳамда 9, 18, 29 март, 7, 15, 26 апрель, 5, 14, 25 май 3, 15, 28 июнь, 8, 19, 28 июль, 9, 18, 30 август, 14, 23 сентябрь, 4, 14, 25 октябрь, 3, 15, 24 ноябрь, 6, 15, 27 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо фолиблиги 10 кун ичида сотувчи билан ол-ди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи-дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ХАТБ “Давр банк” Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қи-линадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Веб-сайт: www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

